



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 4 ноябрь, № 235 (8578)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шахрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти
Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, шунингдек, ТДТ бош котиби Қубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ТДТ доирасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда тили, дини ва маънавий қадриятлари бир-бирига чамбарчас богланган туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграётганини таъкидлади.

Ташкилот бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келаётгани, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кўпайиб бораётганини кўрсатиб ўтди.

Фаластин — Исроил можароси кейинги пайтда хавфли тус олгани жиддий хавотирга солаётгани қайд этилди.

Қуролли тўқнашувлар оқибатида тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низоининг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муроасага келишга қақирди. Фаластин — Исроил муаммосини БМТ резолюцияларига мувофиқ "икки халқ учун икки давлат" тамойили асосида ҳал этиш за-

рурлиги борасида Ўзбекистоннинг позицияси қатъий экани билдирилди.

Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ҳамкорлиги хусусида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқаларини ўрнатганини катта мамнуният билан қайд этди. Ўтган йили Самарқанд саммитида имзоланган муҳим ҳужжатлар изчил бажарилмоқда.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли

алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган Туркий дунё хартиясини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Аваламбор, сиз, азиятлар билан яна дийдор кўришиб турганимдан гоёта мамнунман.

Бугунги саммитни юксак даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга чуқур миннатдорлик изхор этаман.

Сўзимни буюк аждодимиз — қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоконнинг куйидаги даъвати билан бошламоқчиман: **“Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзининг англа — янада юксалгайсан!”**

Ушбу ибратли сўзлар бугунги шиддатли замонда — Туркий давлатлар ташкилоти ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётган бир даврда албатта чуқур маънога эга. Тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас богланган қардош халқларимиз овози эндиликда дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Қозоғистон элини яқинда кенг нишонланган мамлакат миллий байрами — Республика куни муносабати билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Шунингдек, Туркия Президенти, қардошим Режеп Таййип Эрдоган Жаноби Олийларини ва бутун турк халқини Республика эълон қилинган куннинг қутлуг 100 йиллик тантаналари билан самимий табриклайман.

Хурматли саммит иштирокчилари! Барчангиз яхши биласиз, туркий дунёда дўст Озарбайжон халқи ўзининг муносиб ўрни ва катта обрў-эътиборига эга. Сўнгги йилларда Озарбайжон халқи қадрли биродарим Илҳом Хайдарович етакчилигида оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқда.

Тарихий адолат қарор топиб, мамлакатнинг ажралмас қисми бўлган Қорабоғ ҳудудини бунёдкорлик маконига айлантириш борасида улкан натижаларга эришилмоқда.

Мен август ойида Шуша ва Фузулий шаҳарларида бўлиб, кенг кўламли ўзгаришларга, замонавий инфраструктура барпо этилаётгани, вайрон бўлган маданий мерос объеклари қайта тикланаётганига шахсан гувоҳ бўлдим.

Озарбайжон халқини буюк ғалаба — мамлакат ҳудудий яхлитлиги тўлиқ тиклангани билан яна бир бор чин орадан самимий табриклайман.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда. 160 миллион аҳолини қамраб олган Ташкилотимиз ҳудудда катта иқтисодий имкониятлар макони ҳамдир.

Бизнинг мамлакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнатганини катта мамнуният билан айтиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили **“Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари”** шiori остида бўлган Самарқанд саммитида имзоланган ҳужжатлар ҳаётага изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон раислиги даврида юздан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. **“Туркий нигох — 2040” концептуал дастури** асосида амалий ҳамкорликнинг янги ва янада самарали механизмлари яратилди. Жумладан, Туркий давлатлар Касаба уюшмалари ташкилоти, Фазо тадқиқотлари академияси, Жуғрофий кенгаш, Қурғоқчиликни бартараф этуш институти, Нотариал идоралар уюшмаси каби янги тузилмалар иш бошлади. Қатор нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг турли ихтисослаштирилган институтлари, Ислол ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

Глобал иқтисодий инқироз кучайиб бораётганига қарамастан, олиб бораётган тизимли ишларимиз натижасида ўзаро савдо ҳажми ўсмоқда.

Ўзбекистоннинг раислиги даврида бизга фаол кўмак кўрсатган барча давлатларга ва Ташкилот Котибятига яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Барчамиз гувоҳ бўляпмиз, бугунги кунда жаҳон микёсида ишонч инқирози тобора авж олмоқда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келмоқда ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кучаймоқда.

Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин — Исроил муаммосининг ниҳоятда хавфли тус олгани барчамизни жиддий хавотирга солмоқда. Қуролли тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кекса-

лар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низоининг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муроасага келишга қақирамиз.

Мазкур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечилиши — низоини **“икки халқ учун икки давлат”** тамойили асосида ҳал этишдир.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга. Биз Ташкилотимиз доирасида бу борадаги яқдил ва қатъий позициямизни бутун дунёга эълон қилишимиз зарур.

Хурматли саммит қатнашчилари!

“Туркий давр” шiori остида ўтаётган бугунги саммитимизда кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларимизни янада кенгайтиришга қаратилган қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, Ташкилот доирасида ўзаро хурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мустаҳкамлаш, биргаликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтиш бош мақсадимиздир.

Шу муносабат билан Туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган **“Туркий дунё хартияси”**ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу ўзига хос рамзий қомусини соҳанинг етуқ олимлари ва экспертлар иштирокида тайёрлашни таклиф қиламан.

Иккинчидан, шу кунларда Туркий инвестиция фонди ўз ишини бошлайди. Давлатларимиз ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кейинги босқичда Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш ишларини ҳам фаоллаштиришимиз керак. Ушбу молия муассасасини Тошкент шахрида joyлаштиришга тайёрмиз.

Учинчидан, Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаймиз. Келгусида Марказ имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда, биргаликда савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳажминини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Тўртинчидан, глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

Юк ташувларига ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида Ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш чораларини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, кўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган коридорларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш тарафдоримиз.

Давлатларимиз Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этишни ва бу тузилманинг дирекциясини юртимизда joyлаштиришни таклиф этамиз.

Бешинчидан, экология соҳасида кенг қамровли ҳамкорлиқни ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Қадимдан аждодларимиз она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаганлар. Афсуски, бугунги кунда табиатга нисбатан истеъмолчилик кайфияти кучайиб бормоқда. Иқлим ўзгаришлари туфайли юзага келаётган турли муаммолардан бутун инсоният қаттиқ азият чекмоқда. Бундай ҳолат барчамиздан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилмоқда.

Вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумининг тузилиши бу йўлда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз. Бундай таъсирчан механизм Ташкилотимиз фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган режаларимизга мосдир.

Олтинчидан, туркий цивилизацияни юксалтириш гоёси технология тараққиёт ва илғор билимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бевосита боғлиқдир.

Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишонч қомил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда яшаган ҳадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида жорий йилнинг декабрь ойида юр-

тимизда бўлиб ўтадиган **“Жадидлар: миллий ўзлиқ, истиқлол ва давлатчилик гоёлари”** мавзуидаги халқаро анжуманда вакилларингизни фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Шу билан бирга, янгиликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Минг йиллар давомида тарихи ва тақдири туркий элатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп миллатли Афғонистон заминида тинчлик ва осийишталик ўрнатиш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир. Бироқ дунёнинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу муаммо халқаро ҳамжамият эътиборидан тобора четда қолмоқда.

Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга қақирамиз.

Бизга минтақавий шериклик ва барча қўшнилари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёналарида фаол иштирок этадиган, тинч ва барқарор Афғонистон керак.

Биз илгари сураётган Трансафғон темир йўлини барпо этиш ташаббуси айнан мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон афғон халқига бундан буён ҳам зарур ёрдамни бериб боради. Термиздаги логистика хаби орқали гуманитар кўмак кўрсатишни, таълим марказида эса афғон фуқароларини ўқитишни фаол давом эттирамиз. Қадрли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Давлат раҳбарлари кенгашида раислиқни қабул қилиб олаётган Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга улкан зафарлар тилайман.

Бугун қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар ва қарорлар, жумладан, саммит декларацияси ҳамда Остона акти мамлакатларимизнинг ёрқин туркий келажақ сари навбатдаги дадил қадамлари бўлишига ишонаман.

Ўз тарихи давомида кўп-кўп синовларни бошидан кечирган ва уларга биргаликда ечим топган қардош халқларимиз келгусида ҳам буюк ишларни амалга ошириши, шубҳасиз. Эътиборингиз учун раҳмат.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ САММИТИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Туркий тараққиёт банкни ташкил қилиш ишларини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилиб, ушбу молия муассасасини Тошкент шаҳрида joyлаштириш тақлифи билдирилди.

Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини очиб бўйича бошланган амалий ишларни тўлиқ маъқуллаб, Ўзбекистон Президенти марказ имкониятларидан савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳақмини кўпайтириш бўйича янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини ривожлантиришда унумли фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

Глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожлантириш, диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш ма-

салалари долзарб экани таъкидланди. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш, қўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган йўлақларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлади.

Ташкилотнинг Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва бу тузилманинг дирекциясини Ўзбекистонда joyлаштириш тақлиф қилинди.

Экология соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузиш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон етакчиси ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшлар истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишонч билдирди. Янгиллик интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда

Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиб тақлиф қилинди.

Жаҳид боболаримизнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти ТДТ мамлакатлари вакилларини жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жаҳидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро анжуманда фаол қатнашишга тақлиф қилди.

Сўзини аяқунлар экан, Ўзбекистон раҳбари иштирокчилар эътиборини минг йиллар давомида тарихи ва тақдири туркий эллар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган кўп миллатли жафокаш Афғонистон халқига қаратди.

Мамлакатимиз етакчиси афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сўсайтирмаслик, бу юрtdаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга қақирди.

Мажлисда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Венгрия, Туркма-

нистон делегациялари раҳбарлари, ташкилот бош котиби ҳам сўзга чиқди.

Саммит якунида ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор битим ва қарорлар қабул қилинди.

Ташкилотга раислик Қозоғистон Республикасига ўтди.

Туркий давлатлар ташкилоти Давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак муқофот — “Туркий дунёнинг олий ордени”ни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Сақир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп

Таййип Эрдоған, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Ташкилот давлатлари раҳбарлари номидан муқофотни Қозоғистон Президенти топширди.

— Бу муқофотни мен, биринчи навбатда, чинакам биродарлик ришталари асосида янгидан юксалаётган яқин дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи, деб биламан, — деди маросимда давлатимиз раҳбари ҳамкасбларга миннатдорлик билдириб.

Охириги даврда Туркий дунёнинг нуфузи ва салоҳияти ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ юксалаётгани алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон 2019 йилда ТДТга аъзо бўлиб кирганидан буён мамлакатимиз томонидан туркий давлатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшнчилик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган 50 дан ортқ тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Мамлакатимизнинг ташкилотга раислиги даврида 100 дан зиёд турли тadbирлар ўтказилди, амалий ҳамкорликнинг янги самарали механизмлари яратилди, нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар билан яқин шериклик алоқалари йўлга қўйилди.

Ташкилотга аъзо барча давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар изчил кенгаймоқда, стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди, савдо ҳақлари ортмоқда, кооперация кучаймоқда.

— Барчамизнинг орзу ва мақсадларимиз, интилиш ва ҳаракатларимиз уйғун ва ҳамохангир. Азалдан дўст ва қардош бўлган туркий халқларимиз бундан кейин ҳам ақил ва ҳамжиҳат бўлиб, ёруғ келажакни биргаликда бунёд этадилар, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташифи аяқунланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛГАН ТАКЛИФЛАР

туркий дунёнинг бой маданий, тарихий ва иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган стратегик қарашларни яққол акс эттиради

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2-3 ноябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Саммитда сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти ташкилот бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Дунё нигоҳи

Давлатимиз раҳбари глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келаётгани, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кўпайиб бораётганини кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев Фаластин — Исроил можароси кескинлашиб бораётганидан хавотирлики билдириб, томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўр очилсини тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муросяга келишга қақирди. Давлатимиз раҳбари Фаластин — Исроил муаммосини БМТ резолюцияларига мувофиқ “икки халқ учун икки давлат” тамойили асосида ҳал этиш зарурлиги борасида Ўзбекистоннинг позицияси қатъий экани билдирилди.

Шунингдек, нутқда Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги ва туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Президенти қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак муқофот — “Туркий дунёнинг олий ордени”ни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг Остона шаҳрида ўтказилган ТДТ саммитидаги нутқда илгари сурилган муҳим ташаббуслар, ўз навбатида, халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.

Эммануэль ДЮПЮИ, Франциянинг Европада истиқболлар ва хавфсизлик институти (IPSE) президенти:

— Францияда минтақадаги интеграция жараёнларини диққат билан кузатиб боришмоқда. ТДТ саммити аяқунлари Ўзбекистон ва ТДТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги самарали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг устувор йўналишларга мувофиқ олий даражада мулоқотни давом эттириш мажбурияти барча туркий халқлар фаровонлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ушбу халқаро тузилманинг чинакам муносиб аъзоси бўлиб, унда етакчи сифатида муҳим роль ўйнади. Ташкилот доирасида, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, экологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривож-

лантиришга оид Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган ташаббуслар бунинг тасдиғидир.

Ильгар ВЕЛИЗАДЕ, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари:

— Ўзбекистон ўзи аъзо бўлган халқаро тузилмалар ривожига доимо амалий ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Тошкент ТДТга нисбатан ақинда аъзо бўлганига қарамай, шу қисқа вақт ичида ҳам Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган туркий давлатларни яқинлаштириш ва ҳамкорлик қилишга қаратилган ташаббуслар ўзининг амалий ифодасини топди.

Тошкент тузилма давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг транзит-транспорт салоҳиятини ошириш борасида катта ишларни амалга оширди. Президент Шавкат Мирзиёев Остонадаги саммитда сўзлаган нутқда иштирокчиларнинг нафақат иқтисодий ва транспорт, балки гуманитар масалаларга ҳам қизиқшини оширган қатор янги тақлифлар билан чиқди. Унинг Ўзбекистонда Туркий дунё креатив ёшлари марказини очиб борасидаги ташаббусининг аҳамиятини таъкидлаш киёсин.

Бундан ташқари, Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва ушбу тузилманинг дирекциясини Ўзбекистонда joyлаштириш тақлифини илгари сурди. Ушбу тақлиф нафақат ТДТга аъзо давлатларнинг, балки минтақадан ташқари мамлакатларнинг манфаатларини таъминловчи глобал транспорт ва логистика марказига айлантириш режаларига жуда мос келади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ТДТ олий ордени билан тақдирлангани Ўзбекистон томонидан илгари суриллаётган ва амалга оширилаётган ташаббусларнинг аҳамияти ҳамда долзарблиги, шунингдек, Ўзбекистон етакчисининг бутун турк дунёси халқлари ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашдаги шахсий ролининг ёрқин тасдиғидир.

Фариза ШАМ, Малайзия Ислом цивилизацияси институти директори:

— Ўзбекистон ТДТга аъзо бўлганидан буён ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш учун жиҳдий саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Бошқа аъзо давлатларнинг фаолияти, шунингдек, 15 та давлатнинг ташкилотга қузатувчи сифатида қўшилишга қизиқини сезиларли даражада ошди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташкилот аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмақлашув мақсадида 50 дан ортқ ташаббус ва тақлифларни илгари сурди. Амалга оширилган ташаббуслар орасида Ёш тadbиркор-

Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлиги ва Ўзбекистоннинг ТДТдаги фаол ролидан илҳомланиши давом этмоқда. Ишонамизки, бугун қўйилган умумий қақриятлар ва ўзаро ҳурматга асосланган мустаҳкам пойдевор барча иштирокчи мамлакатларни фаровонлик сари элтади.

Яқуб ШАЙХ, Покистон Сенати аъзоси:

— Покистонлик сиёсатчилар, ишбилармонлар ва экспертлар Ўзбекистон Президентининг ТДТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқини диққат билан кузатиб борди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган ташаббусларда савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш, логистика, транспорт, минтақавий ҳамкорлик ва инвестиция соҳаларида ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида шу кунларда Туркий инвестиция жағмармаси иш бошлаганини таъкидлади. Бу ТДТда иштирок этувчи мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан юк ташишни ривожлантириш бўйича кўп йиллардан буён шуғулланиб келаётган тadbиркор сифатида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф қилинган савдо тўсиқларини бартараф этиш, экспорт-импорт ҳақмини кўпайтириш борасида янги механизмларни кенг жорий қилиш, электрон савдо платформаларини раванқ топтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим.

Ўзбекистон Президентининг глобал таъминот занжирлари ва транспорт йўлақларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ТДТ давлатлари орқали Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига ўтувчи ягона транзит тармоғини шакллантириш бўйича ташаббуслари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Покистон ва Ўзбекистон бу борадаги ишларни бошлаб юборган. Трансфгон темир йўлини барпо қилиш учун Лойиҳа офиси ташкил этилди.

Бундан ташқари, транспорт хизматларини рақамлаштириш ташаббуси ХХI асрда иқтисодиётларини янада яқинлаштириш, тажриба, технологиялар ва билим алмашиш учун асос бўлади.

2022 йилда Покистон глобал иқлим ўзгаришининг ҳалокатли оқибатларига гувоҳ бўлди ва сув тошқинларидан қаттиқ жабрланди. Шу боис жаҳон ҳамжамиятининг диққатини бу масалага доимий қаратиб келётган Ўзбекистон Президентидан миннатдоримиз.

Кубан АБДИМЕН, қирғизистонлик сиёсатшунос:

— Бугунги глобал дунёда ТДТ давлатлари умумий вазият ҳақида етарлиқ тасавури намоийш этмоқда. Ташкилотнинг барча аъзо ва қузатувчи-давлатларининг айна дамадаги қарашлари бирлиги кўп жиҳатдан қардош мамлакатлар раҳбарларининг тез-тез учрашиб турлиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги йиллардаги фаол сиёсати ТДТга янги сифат қўшди ва халқаро эътирофни кенгайтирди.

Ўзбекистоннинг ТДТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги барча тақлифлари доимо кенг қўллаб-қувватланган ва муваффақият қозонган. Ўзбекистоннинг салоҳияти улкан, Президент Шавкат Мирзиёев ТДТ доирасида ҳам, бошқа форматларда ҳам ўз мамлакатининг барча имкониятидан фойдаланиш учун зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон етакчиси туркий дунёни буюк келажак кутаётганини, уни турк дунёсининг меҳнаткаш, бағрикенг ва олийжаноб халқлари билан биргаликда барпо этишини таъкидлади. Бунинг реал дунё ва ундаги туркий халқларнинг ўрни ҳақида катта тасаввурга эга сиёсатчи айтиши мумкин эди.

Шавкат Мирзиёевнинг туркий дунё келажига стратегик қарашлари Ўзбекистоннинг ТДТ доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тарафдори эканлигини тасдиқлайди.

Шу нуктаи назардан Туркий давлатлар ташкилотининг Остонадаги саммити умумий мақсадларга эришиш йўлидаги навбатдаги қўшма қадам бўлди. Унда илгари сурилган ташаббуслар туркий дунёнинг янада тараққиёти ва раванқли йўлида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги мазмун билан тўлдирди.

Ўзбекистоннинг ТДТга раислиги йили глобал дунёда кескин ва туркий дунё мамлакатлари учун минтақада барқарорлиқни сақлаш имкониятларини излаш даврига тўғри келди.

Ўзбекистон ташкилотга раислик қилган 2022-2023 йилларда муҳим келишувлар, жумладан, савдо ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, шунингдек, Инвестиция жағмармасини ташкил этиш тўғрисидаги келишувлар имзоланди.

Шу вақт ичида турли формат ва даражадаги 30 дан ортқ йирик тadbирлар ўтказилди. Уларда ТДТнинг институционал ислох қилиш, янги иқтисодий имкониятлар учун майдон яратиш, транспорт алоқасини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон тақлифи билан туркий халқлар тарихида илк бор туркий дунёнинг илм-фан, маданият ва санъат соҳаларидаги ривожига қўшган ҳиссаси учун атоқли шахсларга янги таъсис этилган Алишер Навоий номидagi халқаро муқофот берилди.

Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Халқаро туркий маданият ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Шу билан бирга, ТУРКСОЙ ташкил этилганининг 30 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Остонада Ўзбекистоннинг ташкилот нуфузи ва макомини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган қўллаб ташаббуслар фаол қўллаб-қувватланди. Уларнинг ҳаққа таъбиқ этилишига ҳеч шубҳа йўқ.

«Дунё» АА.

Акс садо

Дўстлик ва қардошлик ришталари билан мустаҳкамланган ҳамкорлик

Ўзбек ва қозоқ халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан ҳамбарчас боғланган. Умумий тарихимиз, маданий ва маънавий қақриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бизни бирлаштириб туради.

Икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ва узоқни қўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқмоқда.

Айниқса, охириги олти-етти йилдан буён Ўзбекистон — Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик юқори суръатларда ривожланипти. Асрлар давомида ёнма-ён, қуда-анда бўлиб яшган халқларимиз ўртасидаги борди-келди алоқалари кўз ўнгимизда фаоллашмоқда.

Мамлакатларимиз етакчи компания ва корхоналари ўртасида кооперация асосида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Транспорт соҳасида янги автобус ва темир йўл йўналишлари очилди, шаҳарлар ўртасидаги авиақатновлар кўпайтирилди, юк ташиш ҳақми ортмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик икки мамлакат парламентлари вакилларининг таширфлари орқали мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тақлифига биноан ушбу давлатга ташифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларда янги даврни бошлаб бериши, шубҳасиз.

Сир эмаски, Туркий давлатлар ташкилоти туркийзабон мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, энергетика, туризм, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон тузилмага қўшилганидан буён Шавкат Мирзиёев томонидан ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қўллаб ташаббус ва тақлифлар илгари сурилди. Остонада бўлиб ўтган Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам Президентимиз қўллаб тақлиф ва амалий ташаббусларни илгари сурдики, булар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига шубҳа йўқ. Хусусан, Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ҳамкорлиги хусусида тўхталиб, юртимиз ташкилотнинг барча аъзо давлатлари билан стратегик шериклик алоқаларини ўрнатганини мамнуният билан қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган йили Самарқанд саммитида имзоланган муҳим ҳужжатлар бугун изчил бажарилмоқда. Масалан, Ўзбекистон раислиги даврида туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган юздан ортқ турли тadbирлар ўтказилиб, муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Янги тузилмалар ташкил этилиб, бир қатор нуфузли глобал ва минтақавий ташкилотлар билан яқин шериклик алоқалари ўрнатилди.

Ҳозирги кунда экологик муаммолар ҳар бир мамлакат олдида турган энг муҳим масалалардан бири саналади. Саммит доирасида давлатимиз раҳбарининг экология соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузиш ташаббуси муҳим қақриқлардан бири бўлди, десак, муболаға эмас.

Қисқаса айтганда, ҳозирги вақтда дунёда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва экология билан боғлиқ муаммолар ташкилотга аъзо давлатлар олдида долзарб вазифаларни қўймоқда. Бу жараёнда Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi иштироки халқимизнинг туб манфаатларига жавоб беради.

Муқаддас ТИРКАШЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан биргаликда ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказилиб, уларда амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинмоқда ҳамда истиқболдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

Мулоқот

Шундай тадбирларнинг галдагиси куни кеча ҳудудлардаги сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари ҳамда котибият мудирлари иштирокида бўлиб ўтди.

Онлайн шаклда ўтказилган учрашув аввалида Олий Мажлис Сенати Раиси жойларда қонун усту-

ворлигини таъминлаш, ҳудудлар манфаатига доир муҳим қарорлар қабул қилиш, назорат воситалари-дан самарали фойдаланиш масалаларига атрафлича тўхталди. Айни чоғда маҳаллий Кенгашлар томонидан назорат-таҳлил тадбирларини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

риш, маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилашга қаратилган дастурлар ҳамда “Ташаббус-ли бюджет”да ғолиб бўлган лойиҳалар ижросини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги айтилди.

Бунинг учун депутатлар жойлардаги аҳоли муаммоларини ҳал қилишда ташаббус кўрсатиши, муаммолар ечимини қабул қилинадиган қарорларда акс эттириб, улар ижроси устидан қатъий депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш талаб қилинади.

Учрашувда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллий Кенгаш-

ларни халқнинг чинакам овозига айлантириш ва улар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи ҳам таҳлилдан ўтказилди. Яъни маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига доир қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш, маҳаллий Кенгашларнинг ўзига хос бўлмаган функцияларини бекор қилиш, фаолиятини рақамлаштириш масалалари бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кайд этилганидек, жорий йилнинг 22 сентябрида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини замон

талабига мос ташкил этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун Олий Мажлис Сенатида Худудий вакиллик органларини ўрганиш маркази ташкил қилинган бўлиб, бу тузилма маҳаллий Кенгашларга ҳуқуқий, услубий, ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўмаклашади.

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиш ва ислохотларнинг муваффақиятли кечишини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».



Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

Савоб

Авжи саратонда ҳансираб, ёниб, Қоврилиб оловли йўллар тафтида, Муздайин булоқдан сув ичган қониб, Ҳордиқ оланмисан чинор таида?

Рухингда сафою танингда мадор, Умидбахш қўшиқлар қўйлаганмисан? Ўша пайт, ўша он ҳеч кўрса бир бор Чинорни ким эккан — ўйлаганмисан?

Рўбарў келдинг сен тошқин дарёга, Қолдинг соҳил узра чорасиз, гирён, Лекин йўлиққандай ажиб рўёга, Қаршинда бир кўприк бўлди намоён.

Бамисли узала тушган хор вужуд, Қўтаргай у турфа инсонлар корин. Утдинг сен дарёдан саломат ва бут, Лекин ўйладингми кўприк меъморин?

Ўрмонлар бағрида сайр этган сайёҳ, Чангалзор қўйнида сарсардон овчи, Мўъжаз бошпанани кўрдингми ногоҳ, Уни қолдирмишдир қай бир йўловчи.

Қолдирмиш у сенга қаро кун учун, Бир чимдим туз билан бир жўғит қақмоқ тош. Ўйлаб кўрганмисан, бу ҳиммат нечун, Ўйлаб кўрганмисан, кимдир у ғамдош?

Ҳа, инсон умрининг кечмиши ажаб, Гоҳ тўнгар, гоҳо у ашнар қўлф уриб... О, балки қайси бир фидойи сабаб, Юрибсан сен ҳаёт нашасин суриб.

Айт, ахир ўзинг ҳам то борсан собит, Кимсага насиба узатганмисан? Қўчангда лапанглаб ўтганда тобут, Сен уни тўрт қадам кузатганмисан?

Чорасиз бир инсон учраган дамда, Унсиз сўроғига қилдингми жавоб? Айт-чи, билармисан, ёруг оламда Буларнинг барчаси аталгай савоб.

Йўқ, йўқ, ўзга эрур бидъат ва қарам, Ҳиммату саховат тирикларга хос. Боболар бетама қўрган дунё ҳам Асли савоб учун қолган бир мерос.

Кимдир тузар уни, кимдир бузади, Кимдир борини ҳам қилади барбод. Кимдир тама билан дунё кезади, Кимдир ўксик дилни этади обод.

Савоб деб инграйди дунёмиз беҳол, Зордир у нажотбахш ҳислар сеҳрига. Жангаларда толиққан мажруҳ зот мисол, Суяниб яшар у инсон меҳрига.

То ҳаёт эканмиз савобга зормиз, Илм этган шўъладан диллар файзйёб. Гоҳ ғамгин, гоҳ эса умидда ёрмиз, Йўқолмаса деймиз дунёдан савоб.

Ахир унинг билан гуллагай очун, Ахир унинг билан умрлар шоён. Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун, Фақат савоб борки, азиздир Инсон!

Киска сатрларда



ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Боалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ ййгилиши ўтказилди.

Мазкур қонун лойиҳасида Боалар омбудсманнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий жиҳатлари, муурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги назарда тутилмоқда.

Ишчи гуруҳ ййгилишида депутатлар, мутахассислар томонидан қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича берилган ҳар бир таклиф атрафлича муҳокама қилиниб, лойиҳа матнига сингдирилмоқда.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятида жойлашган Термиз дарё порт, “Гулбахор” ва “Термиз автйўй” халқаро ўтказиш пунктларида таширф буюрди.

Ушбу жараёнда депутатлар Давлат чегарасини кесиб ўтаётган шахсларга ва транспорт воситаларига, олиб ўтилаётган товарларга нисбатан назорат тартиб-таомиллари, уларни Давлат чегараси орқали ўтказиш жараёнлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқишда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан консолидациялашган бюджет таққилигини 2024 йилда яппи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоизга, 2025 — 2026 йилларда эса яппи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан оширмаслик белгиланмоқда.

Шунингдек, ўрта муддатда асосий солиқ ставкаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш, солиқ ва бюджет сиёсатини босқичма-босқич Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришда “Натихага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси давом этмоқда.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 7, 9, 11, 18-моддалари ижро этилиши Бухоро ва Хоразм вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ажуларига бағишланган ййгилиш ўтказилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун ижроси доирасида амалга оширилган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, чет давлатда узоқ муддат давомида бўлиб, яшаш жойларига қайтиб келаётган меҳнат мигрантларини ОИВ инфекциясига текширувни кучайтириш, касалликка чалинган беморларни даволаш курслари билан қамраб олиш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар берди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг Ташки ишлар вазирлиги тизимида ижро этилиши ҳолати бўйича ййгилиш ўтказилди.

Тадбирда депутатлар томонидан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, лойиҳалар юзасидан манфаатдор вазирлик, идораларнинг таклифларини олиш, устувор йўналлишларни белгилаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби жараёнларда соҳадаги етук экспертлар ҳамда парламент вакиллари билан алоқаларни янада жадаллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Сенатор ва ҳаёт

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Куни кеча Нукус шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмиталари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан ҳамкорликда сайёр мажлис ташкил этилди.

Унда қатор масалалар, жумладан, худудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистонни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва тадбиркорликини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўлмали ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари саяё-ҳаракатлари билан Орол денгизининг қуриши оқибатида минтақада юзага келган ижтимоий-иқтисодий, экологик муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Бунинг кейинги етти йил давомида Президентимизнинг Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга, туви ислохотларни амалга оширишга қаратилган 30 дан зиёд Фармон ва қарорлари қабул қилинган ва улар доирасида улкан ишлар рўёбга чиқарилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Негаки, шу ҳужжат доирасида 2020 — 2023 йилларда 10,6 трлн. сўмлик 1271 та лойиҳа ишга туширилиб, 13 минг 940 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил

25 октябрдаги қарорида эса умумий қиймати 293,7 млрд. сўмга тенг бўлган жами 289 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирга қадар 289 та объектда жами 234,1 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш йомушлари бажарилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда. Янги иш ўринларини яратиш, ишсизларни талаб юқори касб-хунарга тайёрлаш ҳамда малякасини ошириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, қасанақчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган 12 та микромарказ ишлаб турибди.

Имконияти қелганган 1279 нафар шахс бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган алоҳида дастур асосида қилинган 1195 нафари иш жойига эга бўлган. Бандлик бўлимлари томонидан ўтган даврда 46,8 минг ишсиз фуқарога хизмат кўрсатилиб, 27,2 минг нафари ишга жойлаштирилган.

Ўтказилган бўш иш ўрни ярмаркаларида 2,8 минг нафар фуқарога ишга йўлланмалар берилган, 724 нафари касб-хунарга ўқитиш курсларига юборилган, 285 нафари жамоат ишларига жалб қилинган. Айни чоғда 2,4 мингга яқин ишсиз фуқароларга 6,7 млрд. сўм нафақа тўланган, 7 минг банд бўлмаган аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, уларга 6,1 млрд. сўм берилган.

Оилавий тадбиркорлиқни ривож-

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИ ЁНДАШУВ

Бухоро шаҳрида “Давлат бошқаруви ходимларининг замонавий компетенцияларини ривожлантириш: Ўзбекистон ва Жанубий Корея истиқболлари” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференция

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А. Бекмуродов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Бухоро вилояти ҳокими Б. Зарипов сўз олиб, тўлланганлар эътиборини ушбу анжуман айнан Жанубий Корея вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилаётгани омилларига қаратди.

— Бир неча минг йиллик миллий давлатчилик тарихига эга бўлиб, маълум бир даврда мустамлақачилик қийинчиликларини бошдан кечирган Жанубий Корея билан мамлакатимиз тарихининг ўхшаш жиҳатлари кўп, — деди у. — Ушбу мамлакатнинг, хусусан, кейинги йилларда иқтисодий ривожланиш бора-бора муваффақиятларга эришишида давлат бошқаруви ва кадрлар тизимидаги изчил ислохотлар муҳим роль ўйнаган. Бинобарин, мазкур конференцияда ўртага ташланадиган илмий ва амалий таклифлар, ўзаро тажриба алмашиш кадрлар салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Анжуманда Корея Республикаси Бош вазирини ҳузуридаги Корея давлат бошқаруви институтини президенти Сангхан Чве, Ўзбекистон Республи-

каси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари О. Ҳасанов ва бошқалар конференция кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Тадбир кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ишга ёндашув каби масалаларда тўлланган хорижий тажрибани ўрганиш, истиқболда ундан амалиётда фойдаланиш нуктаи назаридан фойдали бўлди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

ФИДОЙИ КАСБ СОҲИБЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Давлатимиз раҳбарининг нодавлат ва нотижорат ташкилотларга, жумладан, мамлакатимиздаги энг йирик жамоат бирлашмаси бўлган касаба уюшмалари фаолияти ривожига кўрсатаётган эътибори натижасида мамлакатимизда 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Айни кунларда ушбу сана олдиндан юртимизнинг барча ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат жамоаларида меҳнатқашлар билан очiq мулоқот ҳамда учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар, илгор ва фаол меҳнатқашларни рағбатлантириш, маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлинимаси кенгаши томонидан “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик” шиори остида ўтказилди.

Байрам тадбирига халқ таълими ва олий таълим тизимида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар, профессорлар ва илм-фан соҳаси фидойилари, ёш мутахассислар, касаба уюшма фаоллари ва фахрийлар таклиф этилди.

Тадбирда кейинги йилларда Президентимиз ташаббуслари билан барча жаҳда бўлган каби ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг меҳнатқашлар турмуш фаровонлигини оширишдаги муҳим аҳамияти, ўқитувчиларга кўрсатилаётган

юксак эҳтиром ва яратиб берилаётган имкониятлар алоҳида таъкидланди.

Меҳнат қонунчилигининг тобора тақомил топиб бораётгани, мамлакатимизда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий шериклик ва унинг натижалари хусусида сўз борди. Мазкур жараёнларда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳам ўз фаолиятини тақомиллаштириш билан бирга ишчи-ходимлар манфаатлари юзасидан тизимли ишларни амалга ошираётгани, иш берувчилар билан жамоа шартномалари имзолаб, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш борасида тизимли ишлар олиб бораётгани қайд этилди.

Тадбирда 35 нафар мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, ишчи-ходимларига Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан санаторий-

ларга бепул йўлланмалар топширилди.

Шундан сўнг умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида ўқитувчилик фаолиятини юритиш билан бирга жамоат ишларида фаоллик кўрсатиб келаётган, ўз соҳасида қатор ютуқларни қўлга киритган, ёш авлод камолотига ва йигит-қизларнинг етук мутахассисларга бўлиб етишишларига қасбада ҳисса қўшаётган устоз-мураббийлар “Халқ таълими аълочиси”, “Олий таълим аълочиси” ва “Халқ таълими фидойиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Шунингдек, бир гуруҳ фахрий ўқитувчилар ва касаба уюшма фахрийларига Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда унинг Тошкент шаҳар бўлинимаси кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Сўзга чиққан муаллимлар ва меҳнат фахрийлари Президентимиз томонидан ўқитувчилар ва фахрийларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар учун ўз миннатдорликларини билдирди.

Тадбирда байрам иштирокчилари учун “Бизга мактаб керак... ёхуд замон Авлонийси” номли спектакль намойиш этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

БМТНИНГ «АҚЛ ЛАБОРАТОРИЯСИ»

Ўзбекистоннинг ташки сиёсати очкилик ва прагматизмга асосланган бўлиб, унда икки ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим ўрин тутади. Улардан бири БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмаси, яъни 1945 йил 4 ноябрда низоми қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича идораси — ЮНЕСКО ҳисобланади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўз малакаси ва ваколати доирасида мамлакатнинг тараққиёт соҳасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда эксперт кўмакни кўрсатади. ЮНЕСКО Ер юзида тинчликни ўрнатиш, қашшоқликни камайтириш, барқарор ривожланиш ва маданиятлараро мулоқотни таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот орқали тарғиб қилиб боради. Унинг асосий мақсади таълим, фан, маданият, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашидир. Идорани ифодали қилиб БМТнинг “ақл лабораторияси” деб аташади. Жавоҳарлал Неру ўз вақтида ташкилотта “инсоният виждони” деб таъриф берган. Бугунги кунда унга 195 та мамлакат аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон ташкилотта 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлган.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти қатор стратегик ҳужжатларга асосланади. Хусусан, БМТнинг барқарор ривожланиши бўйича 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шулар жумласидандир.

Тузилма мустақам тинчлик, адолатли ва барқарор ривожланиш асосларини мустаҳкамлашда ўзига хос роль ўйнайди. Таълим, табиий ва ижтимоий фанлар, маданият, коммуникация ва ахборот соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш — бутун дунёдаги жамиятлар ўсиб бораётган ўзгаришлар босимига, халқро жамяият эса янги қийинчиликларга дуч келаётган бир пайтда катта стратегик аҳамиятга эга. ЮНЕСКОнинг малакаси ва ваколати Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга имкон тудиради. 2015 йилда БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш кун тартиби — ҳозирда ва келажақда инсонлар ҳамда сайёрамиз учун тинчлик, фаровонликни таъминлашнинг умумий режасини ўзida акс эттиради.

ЮНЕСКО ялли саводсизликка қарши курашиш, маориф тизимини ривожлантириш, миллий маданиятларни ўрганиш, атроф-муҳит ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш каби кенг қамровли масалаларни ҳал этишга ҳам катта ҳисса қўйиб келмоқда. Ташкилот томонидан тузилган Умумжаҳон мероси рўйхатига Ер юзидаги 850 га яқин табиий ва маданий объектилар киритилган.

ЮНЕСКО доирасида Ўзбекистонда қўллаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Амир Темур каби боболаримизнинг таваллуд тантаналари кенг нишонланган. Хива, Бухоро, Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шахрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан махсус дастурлар доирасида йирик тадбирлар уюштирилган. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Имом Муторидий, Имом Термизий, Баҳодудин Нақшбанд каби қатор сиймоларнинг йирик таваллуд саналари Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги амалий мулоқот изчил ривожлангн, шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон учун биринчи марта қабул қилинган мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Мазкур ташкилот юртимиздаги тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига катта эътибор билан қарайди. Ўзаро ҳамкорликда “Шарқ тароналари”, Халқаро бахшичилик санъати фестиваллари, Халқаро маком санъати анжумани ўтказиб келинмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон, Термиз шаҳарларидаги қўллаб обидалар ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бухоро шаҳри ташкилотнинг “Тинчлик тарафдори бўлган шаҳарлар” соврини билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси 1994 йил 29 декабрда ташкил этилган бўлиб, унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Жаҳоннинг илгор тажрибасини чуқур ўрганиш ва жалб этиш мақсадида юртимизда ЮНЕСКО кафедралари тармоғи кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг етакчи олий таълим муассасаларида Дунё динларини қиёслама тадқиқ этиш, Сув дипломатияси, сув ресурсларини бошқариш ва атроф-муҳит муҳофазаси, Маданият туризми каби кафедралар очилган.

Давлатимиз раҳбари Францияга 2018 йили амалга оширган ташрифи чоғида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида идора бош директори Одри Азуле билан мулоқот ўтказди. Унда қайд этилгандек, томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда.

Бойсун маданий мероси, Наврўз, Шашмакөм, Катта ашула, аския, ош, атлас ва адрас ишлаб чиқариш технологиялари ташкилотнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан жой олган. Усмон Курьони ва Шарқшунослик институти қўлғамалар тўплами ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилган.

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўзининг алоҳида ўрни, шухрати ва мақоми билан ажралиб туради. Ушбу фестиваль сабабли бугунги кунда афсонавий Самарқанднинг узок ўтмишини акс эттирадиган мунаввар қошоналари, муаттар ҳаво-си билан бирга, бу муқаддас заминдан тараляётган дилбар ва мафтункор тароналар ҳам дунё ахлини ўзига қорламоқда. Ўтган чорак аср давомида Самарқанднинг мовий гўмбазлари, юлдузли осмони остида қанчадан-қанча сеҳрли наволар, ҳаётбахш оҳанглар янгради. Фестиваль ўнлаб машхур хонанда ва созандалар, ноёб ёш истеъодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг муҳим ва долзарб тадбирлар, анжуман ва конференциялар ўтказишида асосий ҳамкор саналади. Масалан, 2021 йил сентябрь ойида мамлакатимизда “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форуми ўтказилди. Форум Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, минтақа халқларининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаларини янада чуқур англаш ва ўрганишга имкон берди. Ушбу халқаро маданият форуми доирасида Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Маданий мерос масалалари бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси кенгашининг йиғилиши, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) маданият вазирларининг навбатдаги мажлиси, Нукус шаҳрида “Археология ва туризм: салоҳиятни белгилаш ва меросдан фойдаланиш” халқаро археология анжумани ҳамда II халқаро бахшичилик санъати фестивали, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бутунжаҳон жамяитининг V халқаро конгресси ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, маданий-гуманитар соҳаларни равнақ топтиришга хизмат қиладиган кенг қўламли лойиҳаларни бундан буюн ҳам давом эттирамиз. Бу эзгу мақсадга фақат ўзаро ҳамкорликда, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолда эриша оламиз. Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий қадриятлари фаровон келажақни бунёд этишимиз учун мустақам заминдир”. Ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди. Айни пайтда, буюк француз адиби Виктор Гюгонинг “Эзгулик ва ҳамжиҳатлик — инсон маънавий оламининг қуёшидир” деган җихматли сўзлари мана шундай юксак гоғлар билан уйғун ва ҳамоҳанг. Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Таълим соҳасида ҳам истиқболли ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон “Жаҳолатга қарши маърифат” гоёси асосида жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. ЮНЕСКО бош директори Ўзбекистон Президентининг ушбу ташкилот шафелигида тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш, экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек номидаги халқаро институтни ташкил этиш, Тошкент ахборот технологиялари университетини ҳузурида Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий марказ ҳамда Самарқанд “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида ЮНЕСКО кафедра-

Мухтасар айтганда, ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг бой тарихига бефарқ эмас. Масалан, Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси кўмитасининг 45-кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон учун яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Ўзбекистон иштирокидаги “Мўътадил минтақадаги Турон чўллари” трансчегаравий табиат объекти ташкилотнинг Умумжаҳон табиий мероси объектлари рўйхатига киритилди.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик кенгайиб бориши Ўзбекистоннинг фан, таълим ва маданият соҳаларида янада юксак ютуқларни қўлга киритишига, бу эса юртимизнинг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига, кўп асрлик тарихга эга маданий меросимизни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, қолаверса, дунё микёсида кенг тарғиб этишга имкон беради.

сини тузиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлади. Идора Ўзбекистоннинг бутун инсоният бойлиги бўлган маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолади. Ўтган йили 15 ноябрь куни Тошкентда ўтган Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича Бутунжаҳон конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Одри Азуле билан учрашув ўтказди. Ўзбекистон билан БМТ тизимидаги ушбу нуфузли институт ўртасидаги конструктив ва самарали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Эътиборлиси, мамлакатимиз илк бор Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро кўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Бахшичилик санъати ва “Лазги” рақси Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилди. Ўзбекистонда Тарихий мерос объектларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси фаолияти ва Минтақавий гуманитар ҳамкорлик бўйича “Хива жараёни” йўлга қўйилди. ЮНЕСКО, шунингдек, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида профессионал таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмак кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита элементи — ипакчилик ва Ҳўжа Насриддин латифалари ЮНЕСКО рўйхатига киритилди. Улар ташкилотта Озарбайжон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон ва Түркия билан ҳамкорликда Ўзбекистон томонидан тақдим этилди. Бу билан репрезентатив рўйхатга киритилган Ўзбекистон элементларининг умумий сони 11 тага етди. Яна бир муҳим тадбирга эътиборни қаратиш жоиз. Ўзбекистон Президентининг ёрдамчиси Саида Мирзиёева ва ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле шу йил 4 сентябрь куни ташкилотнинг Париждаги бош қароргоҳида “Абу Райхон Беруний. Географик ва интеллектуал саёҳатлар” кўргазмасини очиб берди. Кўргазма буюк аллома таваллудининг 1050 йиллигига бағишланди. Ташриф буюрувчилар визуал инсталляциялар ёрдамида Абу Райхон Берунийнинг ҳаёти ва ижоди, кашфиёт ва изланишлари ҳақида маълумот олишди. Экспозицияда алломанинг Франция миллий кутубхонаси фондидан йилгилан қўлёзмаларига алоҳида жой ажратилди. Ушбу лойиҳа Европа жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, буюк алломаларимиз мероси билан фахрланидиган ўзбек замини ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди. Саида Мирзиёева Ўзбекистон ЮНЕСКО бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда Самарқандда ўтказишга тайёргилини маълум қилди. Агар ушбу тақлиф маъқулланса, бу тарихий воқеа ЮНЕСКО сессияларини фақат Парижда қақариш бўйича 40 йилдан ошққ давом этган анъанани ўзгартира олади.

Ўзбекистондаги Жалолиддин Румий асарлари қулиётии ЮНЕСКОнинг Жаҳон хотира-си халқаро рўйхатига киритилгани Ўзбекистон ва туркий халқлар ҳаётидаги муҳим ҳодиса бўлди. Жалолиддин Румий асарлари қулиётии Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Мавлоно асарлари нафақат юксак бадиийлиги, балки уларга сингдирилган кучли ҳаёт фалсафаси билан омани ўзига ром этиб келган. Унинг “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичингдадир”), “Мавоизи мажолиси сабаъ” (“Етти мажлис мавъизалари”) ва “Мактублар”и яратилганига етти асрдан ортқ вақт ўтганига қарамай, уларга бўлган қизиқиш ортса орткиди, лекин асло сусаймади. Алломанинг асарлари Шарқшунослик институти хазинасида сақланишда давом этади. Фақат эндиликда бу ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида амалга оширилади.

Ўзбекистондаги Жалолиддин Румий асарлари қулиётии Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. Мавлоно асарлари нафақат юксак бадиийлиги, балки уларга сингдирилган кучли ҳаёт фалсафаси билан омани ўзига ром этиб келган. Унинг “Фихи мо фихий” (“Ичиндаги ичингдадир”), “Мавоизи мажолиси сабаъ” (“Етти мажлис мавъизалари”) ва “Мактублар”и яратилганига етти асрдан ортқ вақт ўтганига қарамай, уларга бўлган қизиқиш ортса орткиди, лекин асло сусаймади. Алломанинг асарлари Шарқшунослик институти хазинасида сақланишда давом этади. Фақат эндиликда бу ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида амалга оширилади.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).	
	
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ	
	
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.	
Газетани ҳақиқати маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.	
ТЕЛЕФОНЛАР: <i>Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.</i>	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-298-сонли қарорининг 4-банди, 4-хатбошисида белгиланган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) танлов ўтказиш топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида ва Фанлар академияси Уставининг 45 ва 49-бандларига биноан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) қуйидаги фан тармоқлари бўйича танлов эълон қилади:

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги учун фан тармоқлари бўйича ажратилаётган КВОТАЛАР			
№	Фан тармоғи	Ажратилаётган квота	
		Жами	Шундан 60 ёшгача
1.	Физика-математика фанлари	3	1
2.	Кимё фанлари	3	1
3.	Биология фанлари	3	1
4.	Геология-минералогия фанлари	3	1
5.	Техника фанлари	3	1
6.	Қишлоқ ҳўжалиғи фанлари	3	1
7.	Тарих фанлари	3	1
8.	Иктисодиёт фанлари	3	1
9.	Фалсафа фанлари	3	1
10.	Филология фанлари	3	1
11.	География фанлари	3	1
12.	Ҳуқуқшунослик фанлари	3	1
13.	Педагогика фанлари	3	1
14.	Тиббиёт фанлари	3	1
15.	Фармацевтика фанлари	3	1
16.	Ветеринария фанлари	3	1
17.	Санъатшунослик фанлари	3	1
18.	Архитектура	3	1
19.	Психология фанлари	3	1
20.	Ҳарбий фанлар	3	1
21.	Социология фанлари	3	1
22.	Сиёсий фанлар	3	1
	Жами:	66	22

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Устави ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида Низом”га асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фўқароси бўлиши ва камида сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий ишлаган бўлиши;

фан доктори илмий даражаси ва профессор илмий унвонига эга бўлиши;

илм-фаннинг муайян соҳасида илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, фанни шахсан ўзи ёки илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича жамоа бўлиб ишлашда фаол иштирок этиш асосида эришган шахсий ютуқлари ҳамда салмоқли илмий натижалари билан бойитган олим бўлиши;

ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари ёки мавжуд илмий мактабнинг ривожида бевосита иштирок этган бўлиши ва бу унинг фан номзодлари ёки фалсафа докторлари ҳамда камида икки фан доктори (тиббиёт фанлари учун — камида уч фан доктори) тайёрлаши билан тасдиқланган бўлиши;

жорий этилган ишланмаларга эгаллиги ёки у раҳбарлик қилаётган ходимлар жамоаси эришган фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилинишида ҳамда амалиётда фойдаланилишида бевосита иштирок этган бўлиши;

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий раҳбари эканлиги ёки сўнгги йилларда шу йўналишдаги илмий лойиҳаларга раҳбарликни амалга оширган бўлиши;

халқаро илмий ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳаларда илмий раҳбар бўлиши ёки уларнинг бажарилишида иштирок этиши.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Уставининг 51-бандига биноан Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни илгари суриш ҳуқуқи Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)га уларнинг илмий мутахассисликларига тегишли иختисосликлар бўйича, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий-техник кенгашларига берилади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни дастлабки саралаш илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан тегишли илмий ёки илмий-техник кенгашлар ййғилишларида очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Вакولاتга эга қворум — тегишли кенгаш рўйхатга кирган аъзолари тартиббининг мажлисида иштирок этаётган камида 75 фоизи мавжуд бўлганда овоз беришда иштирок этган илмий ёки илмий-техник кенгаш аъзолари камида ундан икки қисмининг овозини тўплаган талабгорлар Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар ҳисобланади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар кўрсатган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари 2023 йил 17 ноябрга қадар Фанлар академиясига номзодларнинг илмий

ва илмий-ташкилий фаолиятини тавсифловчи ҳўжатларни рўйхатга олиш учун тақдим этадилар. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари раҳбарлари Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар кўрсатиш жараёнининг ҳолислиги ва тақдим этилаётган ҳўжатларнинг ҳаққонийлиғи учун шахсан жавобгардирлар.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзод кўрсатиш учун тақдимномага қуйидагилар (2 нусхада) илова қилинади:

илмий ташкилотнинг номзоднинг танлов талаблари ва мезонларига жавоб бериши ҳақида асосланган ҳулосаси, очик овоз бериш натижалари ҳамда танлов мезонларининг қоғоз ва электрон шаклда тўлдирилган ва тасдиқланган шакли номзоднинг халқаро рейтингни “Web of Science” базасига киритилган (https://www.webofscience.com/wos/author/search) маълумоти асосида ҳисобланади

(танлов мезонлари шакли Фанлар академиясининг веб-сайтида (https://academy.uz) жойлаштирилган);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзоднинг таржимаи ҳоли; ходимларни ҳисобга олиш бўйича сурати ёпиштирилган шахсий варақа ҳамда маълумотнома (объективка);

иш жойидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг нусхаси ёки Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзоднинг камида сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳўжат;

фан доктори дипломи ва профессор аттестати нусхалари;

илмий ишлар рўйхати (конференция тезислари бу ҳисобга кирмайди) ва нолга тенг бўлмаган импакт-факторли (“Web of Science” халқаро маълумотлар базасига мувофиқ) хорижий нашрлардаги мақолаларнинг нусхаси;

хорижий патентларнинг нусхалари (агар мавжуд бўлса);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзод томонидан тайёрланган фан номзодлари ва фалсафа докторлари рўйхати (авторефератлари илова қилган ҳолда);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзод томонидан тайёрланган фан докторлари рўйхати (авторефератларни илова қилган ҳолда);

қюрида келтирилган талабларга мувофиқ, Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзод томонидан фаннинг муайян соҳаси ривожига қўшилган ҳисса, фанни шахсий илмий ютуқлар ва халқаро аҳамиятга молик натижалар билан бойитилганлиги, шунингдек, унинг илмий-ташкилий фаолияти ҳақидаги давлат ва рус тилларидаги қисқача маълумотнома (кўпи билан 1 бет, сатр бандлиғи 12 пт, Times New Roman шрифтида);

паспорт нусхаси ва 4x6 см. ўлчамдаги 8 та фотосурат.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолиғи (академиклиги)га номзоднинг ҳар бир нусха ҳўжатлари алоҳида жилдга жойланади. Жилднинг муқова-сида номзоднинг фамилияси ва исми-шарифи, фан соҳаси бўйича илмий иختисослиғи ҳамда тавсия этаётган илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг тўлиқ номи ёки академикнинг исми-шарифи ва иختисослиғи кўрсатилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
О